Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 4 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 203 (13.266)

Баҳоси эркин нархда

КУН ТАРТИБИДА – ҲАЁТИЙ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 1 октябрь куни Сирдарё вилоятига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бунинг самарасида вилоят маркази, шаҳар ва қишлоқларининг қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалиб бормоқда.

Шавкат Мирзиёев Ширин шаҳридаги минтақадаги энг йирик Сирдарё иссиқлик электр станциясида бўлди. Бу корхона Ўзбекистон энергия тизимининг марказий қисми истеъмолчиларини энергия билан таъминлайдиган асосий манба ҳисобланади.

Умумий қуввати 3050 МВт бўлган 10 энергия блокдан иборат ушбу иссиқлик электр станциясида йилига 16,1 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Мазкур корхона 1972-1981 йилларда босқичма-босқич фойдаланишга топширилган бўлиб, мавжуд асбоб-ускуналар эскиргани ишлаб чиқариш қуввати пасайишига олиб келмоқда. Шу сабабли бу ерда сўнгги йилларда мунтазам реконструкция ишлари амалга оширилаётир. Мамлакатимиз Биринчи Президентининг "Сирдарё иссиқлик электр станциясидаги иккита энергоблокни тўлиқ модернизация қилиш" инвестицион лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ 2014 йилнинг июль ойидан 2015 йилнинг март ойига қадар иккита энергоблок модернизация қилинди.

Шавкат Мирзиёев мутахассислар билан Сирдарё иссиқлик электр станцияси қувватини ошириш, ишлаб турган энергоблокларни модернизациялаш масалаларини муҳокама қилди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган электр энергияси таннархини пасайтириш, станция ускуналарини таъмирлаш учун зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича тегишли топшириқлар берилди. Истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш, электр энергияси ҳисобини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шавкат Мирзиёев вилоят марказидаги "Гулистон медтехника" Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонасида ҳам бўлди. Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, шу йилнинг 1 октябридан дастлабки маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаган мазкур қўшма корхонани барпо этиш учун 7,3 миллион АҚШ доллари йўналтирилган.

Янги корхонада йилига 216 миллион дона шприц ва 26 миллион дона инфузия системаси ишлаб чиқарилади. Ушбу маҳсулотларни ички бозордан ташқари Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистонга ҳам экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Қўшма корхонадаги 210 иш ўрнининг ярмига касб-ҳунар коллежлари битирувчилари қабул қилингани айниқса эътиборлидир.

Шавкат Мирзиёев Гулистон шаҳрида кам таъминланган оилалар учун бунёд этилиши режалаштирилаётган кўп қаватли замонавий уйлар лойиҳаси билан ҳам танишди. Бундай уй-жойларни жамоатчилик иштирокида уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга имтиёзли кредит асосида адолатли равишда бериш лозимлиги таъкидланди.

Мамлакатимиз Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев вилоят пахта далаларида бўлиб, йиғим-терим ишларининг боришини кўздан кечирди. Гулистон тумани фермерлари билан ҳудудда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, юқори унумли навларни экиш, соҳага замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини жорий этиш масалаларини муҳокама қилди.

Қишлоқ жойларда зарур муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган якка тартибдаги замонавий ихчам уй-жойлар қуриш лойиҳалари муҳокама этилди. Қисқа муддатларда бундай шинам, энергияни тежайдиган кўп хонали уйларнинг барпо этилиши қишлоқларда кам таъминланган ва ёш оилаларнинг яшаш шароитини яхшилаш имконини бериши алоҳида аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Сирдарё вилояти фаоллари билан учрашув аввалида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотираси ёдга олиниб, ҳурмат бажо келтирилди.

Вилоятнинг шаҳар ва туманлари марказларида янги уй-жойлар барпо этиш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган истиқболли бош режаларни татбиқ этиш асосида аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилашга доир масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, вилоятнинг экспорт салоҳиятини ошириш, тадбиркорларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича долзарб вазифалар белгилаб олинди. Йиғим-терим ишлари, кузги экинларни экиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини ғамлаш, уй-жойлар ва ижтимоий иншоотларнинг кузги-қишки мавсумга тайёргарлиги, саноат ва вилоят иқтисодиётининг бошқа соҳалари узлуксиз ишлашини таъминлаш масалалари бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда Гулистон тумани мисолида вилоятни истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг комплекс дастури кўриб чиқилди. Хусусан, яқин икки йилда ушбу туманда қарийб 900 та иш ўрни яратиш имконини берадиган 11 та саноат корхонаси ташкил этиш режалаштирилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ички бозорда сотиш билан бирга, ташқи бозорга чиқариш ҳам мўлжалланаяпти.

Йиғилишда Шавкат Мирзиёев вилоят раҳбарлари ва фаолларини ҳукумат порталида очилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси манзилига ҳудуд аҳолисидан келаётган мурожаатлар билан таништирди. Вилоят мутасаддиларига ушбу масалаларни кўриб чиқиш ва тезкор ҳал қилиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА махсус мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб, округ ҳудудида сайлов участкалари тузиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.**
- **Термизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда округ ҳудудида сайлов участкалари тузиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 3- Бухоро округ сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Комиссия аъзолари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мажлисда округ ҳудудида сайлов участкалари тузиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.**
- **Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги "Камолот" ёшлар оромгоҳида "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.**
- **Фарғонада "Фарзанд табассуми – оила қувончи" деб номланган хайрия акцияси бошланди. Акция доирасида Ўзбекистон ва Туркия шифокорлари юз соҳасидаги туғма ва куйишдан кейинги асоратлар, юқори лаб ва қаттиқ танглайнинг туғма нуқсони бўлган бемор болаларни тиббий кўрикдан ўтказмоқда.**
- **Нукусда биологик хилма-хилликни асраш, тиклаш ва муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.**

ЖАҲОНДА

- **Хитойнинг телекоммуникациялар соҳасида фаолият юритувчи "Tencent" холдинг компанияси Осиёдаги энг қиммат оммабоп компанияга айланди. Унинг қиммат қоғозлари нархи бирданига ошиб кетиб, капитали 256,6 млрд. АҚШ долларига етгани туфайли ана шундай мақомга эришди.**
- **Ямайкага "Мэтью" деб номланган бўрон яқинлашиб келаётгани боис мамлакат ҳукумати тезкор чора-тадбирлар кўрди. Жумладан, эҳтимолий талафотлар кўламини камайтириш мақсадида фавқулодда хизмат мутахассислари кучайтирилган тартибда фаолият кўрсатаяпти. Аҳолига эвакуация йўриқномасига қатъий амал қилиш буюрилди.**
- **Австралиянинг Иқлимшунослик институти олимлари Ер юзидан қаҳванинг бутунлай йўқолиб кетиши мумкинлиги ҳақидаги фаразни илгари суришди. 2050 йилга бориб, ушбу турдаги экин далалари майдони икки баробар қисқаради. 2080 йилда эса у мутлақо йўқолиб кетади. Бунга глобал исиш сабаб бўлади.**

4 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ОНЛАЙН МАЖЛИСИ

Шу йилнинг 3 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг аъзолари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди, дея хабар беради ЎзА.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарган мажлисда мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш ҳамда сайловга тайёргарлик кўришга доир бошқа масалалар кўриб чиқилди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларини тузиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 44 сайлов участкасини тузиш ҳамда уларни 14-Тошкент шаҳар сайлов округига бириктириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мажлисда сиёсий партиялар томонидан тақдим этиладиган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича Марказий сайлов комиссияси ҳузурида ишчи гуруҳлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ишчи гуруҳларининг асосий вазифаси "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 24²-моддасига асосан белгиланган муддатда имзо варақалари қонун талабларига мувофиқлиги ҳақида хулосалар беришдан иборатдир.

Тадбирда 2-Андижон ва 12-Хоразм округ сайлов комиссиялари раисларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ахборотлари ҳам эшитилди.

Комиссия аъзолари Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилган оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш масаласини ҳам кўриб чиқди. Таъкидланганидек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, жамоатчиликни сайлов кампаниясининг барча босқичлари хусусида ўз вақтида хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Шу вақтга қадар мамлакатимиз ва хорижий босма ҳамда электрон оммавий ахборот воситаларида сайлов кампанияси билан боғлиқ икки мингдан зиёд материал эълон қилинди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Кўрилган масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Б.БОЗОРОВ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан "Маҳалланинг энг ораста қизлари" республика анжумани ўтказилди.



ОРАСТА ВА ОҚИЛА ҚИЗЛАР

"12 йиллик мажбурий таълим – менинг саодатим учун" шиори остида ташкил этилган анжуманда "Ораста қизлар" тўгаракларининг аъзолари, маънавият тарғиботчилари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ўқитувчилар, фаол хотин-қизлар иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, иқтидорини шакллантириш, жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, соғлигини ҳимоялаш учун муносиб шароитларни яратишда мактаб ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг ижобий самаралари таъкидлаб ўтилди.

Юртимизда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида қизларни 12 йиллик бепул, узлуксиз таълим билан тўлиқ қамраб олиш, уларнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, қобилияти ва лаёқатини юзага чиқаришига доир эзгу чора-тадбирлар изчиллик билан олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бу борадаги вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. 2011 йилда мамлакатимиздаги ўқув муассасалари қошида "Ораста қизлар" тўгаракларининг ташкил этилиши бунинг ёрқин мисолидир.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Пойтахтимизда 3 октябрь куни шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон – Япония конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари А.Файзуллаев, фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари К.Арипов, ташқи ишлар вазири ўринбосари Ғ.Фозилов, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Ш.Тўлаганов, иқтисодиёт вазирининг ўринбосари Ш.Файзуллаев, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Обидов, Японияннинг ердан фойдаланиш, инфратузилма, транспорт ва сайёҳлик вазири ўринбосари Х.Ханаока ва бошқалар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик самаралари ҳақида сўз юритди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил июль ойида Японияга расмий ташрифи чоғида Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот имзоланган. Ўтган йили октябрь ойида Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг мамлакатимизга расмий ташрифи пайтида Ўзбекистон ва Япония ўртасида стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма баёнот имзоланди.

(Давоми 2-бетда)

Халқимиз оилани соғлом авлодни тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони, деб билади. Чунки инсон қалбида маънавиятнинг илк куртаклари, аввало, оиладаги муҳит таъсирида намоён бўлади. Маънавият инсон онгига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аждодлар ўгити, Ватан туйғуси билан сингиб боради.

ХАЛҚИМИЗНИНГ 96 ФОИЗИ ЎЗ ОИЛАСИНИ МУСТАҲКАМ ВА БАХТЛИ ҲИСОБЛАЙДИ

Бу жиҳатлар яқинда "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг "Оила ва маънавият" мавзуида ўтказган ижтимоий тадқиқотида яна бир бор ўз исботини топди. Тадқиқотдан мақсад мамлакатимиздаги оилаларнинг барқарор маънавий-ахлоқий қадриятларини, унинг жамиятдаги анъанавий ижтимоий тузилма сифатидаги ривожланиш омилларини аниқлаш эди. Бу оила институтини мустаҳкамлаш, ёш авлодни ҳар томонлама уйғун ривожлантиришда миллий-умуминсоний қадриятларнинг ўрни ва ролини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотда қатнашганларнинг 94,5 фоизи давлатимиз оилаларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор кўрсатаётганини эътироф этган. Давлатнинг бундай эътиборини кўпчилик респондент маънавий-ахлоқий қадриятларнинг моддий бойликларга нисбатан устунлигида кўради.

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон оилаларида ахлоқ шаклланишига энг кўп таъсир қилиши мумкин бўлган омиллар ҳам ўрганилган. Ўзбекистон оилаларининг маънавий-ахлоқий асосларини шакллантиришда оила (86,7 фоиз), маҳалла (52,1 фоиз), таълим муассасалари (48,2 фоиз), ижтимоий муҳит (33,9 фоиз) ва телевидениенинг (29,4 фоиз) устувор таъсири ҳақидаги фикр бир неча йиллик сўровлар мобайнида барқарор қолмоқда.

Тадқиқот натижалари оила қуришда ахлоқий йўналишлар барқарор эканини кўрсатди. Масалан, мустақил ва бахтли оила барпо этиш шартларининг кўрсаткичлари ўзгаришсиз қолмоқда. Улар орасида эр-хотиннинг ўзаро ишончи, бир-биридан розилик биринчи ўринни эгаллайди. Иштирокчиларнинг фикрича, эр-хотиннинг ўзаро муҳаббати, фарзандлар оила барқарорлиги ва мустақиллигини белгиловчи муҳим омилдир.

Сўровнинг кўрсатишича, мамлакатимиз аҳолисининг мутлақ кўпчилиги (96 фоиз) ўз оиласини мустаҳкам ва бахтли, деб ҳисоблайди. Халқимиз бахтли оилавий ҳаётни ўзаро ишонч, муҳаббат асосида қурилган муваффақиятли никоҳда кўради.

Мамлакатимиз аҳолиси ёши катталарга ҳурмат, меҳнатсеварлик, камтарлик, ўзини жамиятда муносиб тутиш ва кекса авлодга эътиборни фарзандларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг устувор йўналиши, деб ҳисоблайди. Сўралганларнинг ҳар иккинчиси оилавий мажбуриятлар ота ва она ўртасида тенг тақсимланган оилаларда юксак ахлоқли ва ҳар томонлама соғлом фарзандлар тарбияланади, деган фикрда.

Ёш авлод ота-оналарининг муҳим қадрият йўналишлари бўйича қарашларига қўшилиши, фарзандлар тарбиясида катталарнинг роли ўсиб бораётганини эътироф этиши ҳам тадқиқотда намоён бўлди. Бу ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда бир неча авлод вакиллари яшовчи оилалар салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида оила институтини янада мустаҳкамлашни тақозо этади.

Тадқиқот аксарият оилаларда болаларни юксак маънавий-ахлоқий қоидалар руҳида тарбиялашга катта эътибор берилаётганини кўрсатди. Халқимиз фарзандлари онги-қалбига, биринчи навбатда, меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат, ҳалоллик, Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдирмоқда. Айни вақтда меҳнатсеварлик, миллий ғурур ва ўзликни англаш туйғусини ривожлантириш, кўнгил тозалиги, камтарлик, диний ва миллий бағрикенглик инсоннинг юксак ахлоқини белгилайди.

Ижтимоий сўров ёшлар ўртасида олий маълумот олишга интилиш ўсиб бораётганини яна бир бор исботлади. Бугун халқимизнинг ўз фарзандларини олий таълим муассасаларида ўқитиш имкониятлари анча ошган. Тадқиқот мамлакатимиз фуқароларининг аксарияти фарзандлари замонавий шахслар бўлиб камолга етаётганига қатъий ишонишини кўрсатди.

Мамлакатимиздаги кўпчилик оилалар болаларини жисмоний тарбиялашга катта эътибор беради. Бу ёшларда жисмоний тарбия ва спортга барқарор қизиқиш ҳамда эҳтиёжни шакллантирмоқда. Иштирокчилар давлатимизнинг болалар спортини ва соғлом турмуш тарзини ривожлантириш стратегиясини фаол маъқуллаган. Уларнинг фикрича, бу "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида ёрқин намоён бўлмоқда.

Сўров иштирокчиларининг мутлақ кўпчилиги (96,7 фоиз) оилавий ажримларга салбий муносабат билдирган. Уларнинг фикрича, бу болаларнинг таълим-тарбияси ва келажагига салбий таъсир кўрсатади.

"Оила ва маънавият" мавзуида ўтказилган ижтимоий тадқиқот Ўзбекистон аҳолиси учун оила асосий ҳаётий қадрият ва ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим омили бўлиб қолаётганини кўрсатди. Уларнинг фикрича, давлатимизнинг оила институтини ривожлантириш борасидаги самарали, тизимли ва изчил чора-тадбирлари, юксак эътибори туфайли оилаларнинг моддий аҳволи ва ҳаёт сифати узлуксиз яхшиланмоқда, уларнинг маънавий-ахлоқий ҳолати мустаҳкамланмоқда.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази маълумотлари асосида ЎзА мухбири Умид ЁҚУБОВ тайёрлади

ҲАММАБОП МАҲСУЛОТЛАР

Мамлакатимизда ёшларнинг етук мутахассис бўлиш каби интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг инновацион ғоя, лойиҳа ва ишланмаларини ҳаётга татбиқ этиш орқали бандлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида фаоллигини ва мамлакатда рўй бераётган ижобий ўзгаришларда дахлдорлик ҳиссини ошириш доимий эътиборда.



Малакали кадрлар ва замонавий технологиялар — сифат ва самарадорлик омили.

Бундай эътибордан руҳланган ёшларимиз турли соҳаларда хоҳ тадбиркорлик, хоҳ спорт ёки ҳунармандлик йўналиши бўлсин барчасида ўзларининг иқтидорларини намоён этишмоқда. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг "Мустақилликка менинг ҳиссам" шиори остида ўтказилган "Ишбилармон ўқувчи – 2016" стипендияси кўрик-танлови ғолиби Шаҳзод Худойназаров ана шундай масъулиятли ёш тадбиркорлардан бири.

Ҳа, бугунги кунда замонавий фикрлайдиган, билимли, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга қодир баркамол ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар билан суҳбатлашсангиз фикрларидаги теранлик, ўз келажагини ёрқин тасаввур этишини кўриб, кўнглингиз ёришади. Зеро, барча соҳада рақобат муҳити кучайиб бораётган бугунги кунда ҳар ким ўз билими ва салоҳиятига ишонади ва суянади. Шу маънода, кейинги йилларда тадбиркорликка қизиқаётган ёшлар сафи кенгайиб бораётгани ҳам қувонарлидир.

— Биз, ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин топишимиз, қобилиятимизни намоён этишимиз учун яратилаётган имкониятлар янада кўпроқ изланишга ундайди, – дейди якка тартибдаги тадбиркор Ш.Худойназаров. — Шу боис мактаб давридаёқ ҳунар ўрганишга қизиқиб, устозим Миржалол акадан теридан турли буюмлар ва оёқ кийимлар тикишни, пойабзалларни таъмирлашни ўргандим.

Шаҳзод юртимизда яратилган қулай тадбиркорлик муҳитидан самарали фойдаланмоқда. "Қўқон тери заводи"дан шартнома асосида тайёр тери хомашёси харид қилса, пойабзал тагликларини Андижондан келтирмоқда. Уларни буюртма асосида турли бичимда бичиш ва харидорга етказиб беришида "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Қибрай филиалидан олинган сармоя эвазига харид қилинган тикув машинаси, пресслаш ускунаси кабилар қўл келмоқда.

— Бугун бозорда хориждан келтирилган чарм сумка ё оёқ кийими фалон сўм туради, — дейди ёш тадбиркор. — Шуларни ўзимизда тайёрласак, анча арзонга тушади. Шунинг учун устозим Миржалол ака ва яна учта шогирдим кўмагида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Хомашёни четга чиқармай, шу ерда қайта ишласак яхши-да. Фойда ҳам ўзимизда қолади. Бунинг учун имконият ва салоҳият етарли.

Ўз маҳсулотларини "Ўзбегим" бренди билан чиқараётган ёш тадбиркор буюртмачилар талабига мос дизайн яратиш борасидаги изланишлари боис харидорлар сафини кенгайтирмоқда. Зеро, устозлари кўмагида яссиоёқ болалар ва катталар учун пойабзаллар ишлаб чиқаришни ҳамда ранг-баранг сумкалар тикишни ҳам ўзлаштирди. Ҳозирда ёш тадбиркор ва унинг шогирдлари 20 турдаги эркаклар, аёллар ва болаларга мўлжалланган мавсумий пойабзал ва сумкаларнинг харидорлар дидига мос келадиган янги-янги моделларини ишлаб чиқармоқда. Улар табиий чармдан юқори технологиялар ёрдамида тайёрланаётгани учун хорижники билан бемалол рақобатлаша олади.

Таъкидлаш жоизки, азалдан ота-боболаримиз ҳалол, фидойи меҳнати билан донг таратган. Бугунги ёшлар ҳам қунт ва ҳафсала билан ўз бизнесини бошлаш учун янги-янги ғоялар топиб, юрт ободлигига ҳисса қўшмоқда. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар фаолиятини йўлга қўйиш, уларни ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу парвозга чоғланган қушга қанот бағишлашдек хайрли юмуш. Зеро, меҳнати самарасидан завқ олган инсон ўз ҳаёти мазмунини англаб, уни янада бойитиб боради. Бундан ҳам ўзи, ҳам эл-юрт наф кўради.

Зиёда ВОҲИДОВА

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзаро манфаатдорлик натижасида савдо-иқтисодий алоқалар изчил ривожланиб бораётир. 2015 йилда товар айирбошлаш ҳажми 253,5 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Япония ва Япония – Ўзбекистон қўмиталари эришилган келишувларни амалга ошириш, янги имкониятларни излаш ва қўшма лойиҳалар ишлаб чиқишда муҳим ўрин тутмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиётни изчил ривожлантириш, ҳаёт сифатини янада ошириш мақсадида кенг кўламли бунёдкорлик ва модернизация ишлари амалга оширилаяпти. Бу борада ривожланган давлатлар, хусусан, Япония тажрибасидан унумли фойдаланилмоқда.

Япониялик мутахассислар билан ҳамкорликда Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли бунёд этилди. Самарқанд, Бухоро ва Урганч халқаро аэропортлари модернизация қилинди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси ва "Кўкдумалоқ" конида компрессор станцияси қурилди, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи реконструкция қилинди. Бугунги кунда Қарши – Термиз темир йўл тармоғини электрлаштириш, Навоийдаги иссиқлик электр станциясини кенгайтириш ва Толлимаржон иссиқлик электр станциясида иккита янги буғ-газ турбинасини қуриш ишлари олиб борилаётир.

Мамлакатимиз шаҳарлари бош режа асосида қайта қурилмоқда. Янги саноат корхоналари, замонавий уй-жойлар, ижтимоий объектлар, йўл ва кўприклар барпо этилаяпти. Бундай қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида шаҳару қишлоқларимиз янада кўркамлашиб, яшаш учун қулайликлар ортиб бораётир. Ўзбекистон "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" рейтингида жаҳон бўйича 44-ўринни, пойтахтимиз Тошкент Буюк Британиянинг "Economist" журнали бўлинмаси – Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида 58-ўринни эгаллагани ҳам бунинг тасдиғидир.

Конференцияда мамлакатимизнинг геодезия, қурилиш, транспорт, табиатни муҳофаза қилиш, ахборот технологиялари, электротехника, энергетика, кимё ва коммунал соҳалардаги вазирлик ва идоралари мутасаддилари иштирок этди. Япониянинг "Шимидзу", "Фужита", "Марубени", "Панасоник", "Токио Роуп Инжиниринг", "Иточу", "Мицубиши", "Тойота Цусе", "НЭК" каби йигирмадан ортиқ йирик корпорациялари вакиллари ўз ташкилотлари ва хизматлари ҳақида атрофлича маълумот берди.

Япониялик ишбилармонлар мамлакатимизда шаҳарсозлик замон талаблари асосида ривожланаётгани, инфратузилма объектларини қуриш ва модернизациялаш ишлари иқтисодиёт ривожига хизмат қилаётганини таъкидлади. Инфратузилма объектларини қуриш ва модернизация қилиш, автомобиль ва темир йўл тизимини ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологиялари, табиий офатларнинг олдини олиш ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича таклифларини тақдим этди.

Тадбир доирасида уюштирилган кооперация биржасида икки мамлакат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, томонларни қизиқтирган соҳалар бўйича қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Конференцияда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан Япониянинг "Шимидзу" корпорацияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Япония делегацияси мамлакатимизнинг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказди.

(ЎзА)

Сергели тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

СЕРГЕЛИ ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2017 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни 17-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) Қонуни 25-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 7-сон, 353-модда), "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни 8-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 8-сон, 73-модда), "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2498-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 85-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон, 333-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2017 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2016 йил 19 августдаги баённини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Сергели туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 186 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 1466 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалга эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларни тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

Бандликка кўмаклашувчи Сергели тумани марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари.

2. Сергели туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг 2017 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2016 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2017 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар Бандликка кўмаклашувчи Сергели тумани марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда, ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини Бандликка кўмаклашувчи Сергели тумани маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашувчи жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашувчи Сергели тумани маркази (Л.Закирлаева):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач қонуний кучга киради.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Сергели тумани ҳокимининг ўринбосари Б.Шамуратов зиммасига юклансин.

Сергели тумани ҳокими
Ф. Максудходжаев

2016 йил 28 сентябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

"Баркамол авлод" Республика болалар ўлкашунослик ва экология марказида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ҳамда 2016-2017 ўқув йили бошланиши муносабати билан "Очиқ эшиклар куни" тадбири ўтказилди.

Унда Ойбек, Аҳмад Дониш номли маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамда Юнусобод тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 247-, 97-, 250-, 273-, 265-, 260-, 302-умумтаълим мактабларининг 250 дан зиёд ўқувчилари иштирок этди.

Тадбир давомида марказда фаолият олиб бораётган тўгарак аъзоларининг ижодий ишларидан кўргазмалар ташкил этилиб, ҳар бир тўгарак томонидан "Маҳорат машғулот"лари намойиш қилинди. Шу билан бирга марказ қошидаги "Тўқиш", "Инглиз тили", "Рақс", "Мунчоқли безак", "Моҳир қўллар" тўгарак аъзолари томонидан шеърлар айтилиб, турли хил рақслар ижро этилди. Тадбир давомида марказнинг "Эстрада вокал" тўгарак раҳбари томонидан барча мактаб ўқувчилари билан биргаликда кўтаринки руҳда турли хил қизиқарли ўйинлар намойиш этилди.

— Ўқувчи-ёшларнинг келажакда касб-ҳунар танлашлари, ўз истеъдод ва қобилиятларини ривожлантиришлари, ижод қилишга ва иқтидорини ўстиришда мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги тўгаракларнинг аҳамияти беқиёсдир, — дейди "Баркамол авлод" Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази маданий оммавий тадбирлар ташкилотчиси Нозима Ваҳобова. — Марказнинг бугунги кундаги мақсади ўқувчилар томонидан жонажон ўлка тарихи, археологик ва маданий меросни чуқур ўрганишни ташкил этиш, мамлакатимизнинг табиий бойликлари билан таништириш ҳамда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги асосий билимларини ривожлантириш, ўлкашунослик ва экология йўналишидаги тўгаракларга ўқувчиларни жалб этишга қаратилган. Шунингдек, жойлардаги "Баркамол авлод" болалар марказларида ўлкашунослик ва экология йўналишидаги тўгарак раҳбарларига услубий амалий ёрдам кўрсатиш, таълимнинг сифат ва самарадорлигига эришиш, педагогик технологиялар асосида замонавий ўқув дастурлари ва қўлланмалар ҳамда уларнинг электрон вариантларини яратиш устида иш олиб бориш ҳамда тўгарак машғулотларини сермазмун ва қизиқарли олиб боришдан иборатдир.

Бугунги кунда Марказда 42 та тўгарак фаолият юритиб, 420 нафардан ортиқ ўқувчи-ёшлар катта қизиқиш билан қатнашмоқдалар. "Баркамол авлод" Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази томонидан Юнусобод тумани Ички ишлар бошқармаси, Юнусобод тумани тиббиёт бирлашмаси, Юнусобод туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши, туман ХТМФМТТЭ бўлими ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмалари билан жорий йилга мўлжалланган "Ҳамкорлик дастури" имзоланган. Дастурга асосан "Соғлом турмуш тарзи – саломатлик гарови", "Экология ва саломатлик", "Биз ёшлар ҳар хил ёт иллатларга қаршимиз!" ҳамда "Ибрат ва намуна – юксак эътиқод" мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этилди. Марказ томонидан бундан ташқари яна "Юртим тарихини ўрганаман" шиори остида ўқувчиларнинг мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоот ва мажмуаларга, шунингдек, тарихий қадамжолар, табиатнинг бетакрор гўшалари, маданият масканларига саёҳатлар уюштирилмоқда. "Юрт тинчлиги баркамол авлод ва юксак тараққиёт гаровидир!" мавзусида тадбирда тўгарак аъзоларига Мустақиллик даврида эришилган ютуқлар ва амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида сўзлаб берилди. Тадбир давомида марказ тўгарак аъзолари томонидан Ватанни мадҳ этувчи шеърлар ўқилди, миллий ва замонавий рақслар ижро этилди.

"Очиқ эшиклар куни" тадбирига келган ҳар бир ўқувчига тўгараклар ҳақида маълумотлар берилди. "Ёш сайёҳ", "Ёш эколог", "Экодизайн", "Тўқиш", "Мунчоқли безак", "Моҳир қўллар", "Инглиз тили", "Витраж", "Тасвирий санъат" тўгаракларига жами 200 нафардан ортиқ ўқувчилар аъзо бўлдилар.

Тадбир сўнгида марказ раҳбарияти томонидан фаол тўгарак аъзоларига эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА



ОРАСТА ВА ОҚИЛА ҚИЗЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Ораста қизлар" тўгарагининг асосий мақсади болалар, ўсмирлар, ва ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини тўғри шакллантириш, экологик ва тиббий маданиятни юксалтиришдан иборатдир. Ушбу тўгараклар балоғатга етмасдан турмуш қуришнинг олдини олиш, никоҳ ёшидаги қизлар ўртасида оила муқаддаслиги, оилавий қадриятлар, ўзаро муносабатлар ҳақида кенг тушунча беришга хизмат қилади. Шунингдек, тўгарак нафақат тиббий, балки ғоявий-маърифий тарғибот ишларини ҳам олиб боради.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг 39-бандида "Ораста қизлар тўгараклари ишини жонлантириш, қизларнинг ҳуқуқий, тиббий маданиятини ошириш, касб-ҳунарга ўргатиш, миллий қадриятлар, кекса авлодни эъзозлаш, юксак одоб-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялаш, ғоявий таҳдидлардан ҳимоялаш, кийиниш ва муомала маданиятини тўғри шакллантириш масалалари муҳим вазифа сифатида белгиланган.

"Маҳалланинг энг ораста қизлари" кўрик-танлови айни мақсадга йўналтирилганлиги билан ҳам диққатга сазовор. Лойиҳанинг туман (шаҳар) босқичлари июнь ойида, ҳудудий босқичлари июль-август ойларида ўтказилган бўлиб унда 250 мингдан зиёд қизлар иштирок этди. Танловда қатнашиш учун умумтаълим мактабларининг 8-9-синф ўқувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган қизлар жалб этилди. Ҳудудларда бўлиб ўтган "Ораста қизлар давраси" кўрик-танловларида ёшларга оид ислоҳотларнинг аҳамияти, маънавий жабҳадаги кенг кўламли чора-тадбирлар, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга оид тамойиллар кенг ва атрофлича тушунтирилди.

– Бугунги кунда мамлакатимизда биз каби қиз болаларнинг ўқиши, иқтидорини шакллантириши, орзуларини рўёбга чиқариши, спорт ва ўзи қизиққан касб-ҳунарни эгаллаши учун барча имкониятлар яратилган, – дейди Бектемир туманидаги Республика радио ва телевидение касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Камола Обидова. – Она Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишиш, яратилган улкан имкониятлардан самарали фойдаланиш биз келажак авлоднинг асосий вазифамиздир.

Танловнинг республика босқичида Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридан жами 193 нафар "Ораста қизлар" тўгаракларининг аъзолари 14 та жамоага бўлинган ҳолда қатнашди.

Жамоаларнинг "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури, ёшларга оид давлат сиёсати, хотин-қизлар, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ва моҳияти ҳақидаги тушунча ва билимлари синовдан ўтказилди. Қатнашчилар томонидан танланган мавзулар бўйича видеолавҳалар тайёрланиб, қизларнинг унга муносабати, атрофлича шарҳи ва таҳлиллари ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этилди.

Иштирокчи жамоалар 14 та номинация бўйича баҳоланиб, қатнашчиларга Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан сертификатлар ва совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг биринчи ўринбосари Э.Боситхонова иштирок этди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: "Маҳалланинг энг ораста қизлари" тадбиридан лавҳалар
Ислом Исмоилов олган суратлар

УСТОЗЛАРГА ТАЪЗИМ

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтида ўқитувчилар ва мураббийлар байрами муносабати билан институт профессор-ўқитувчиларининг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори Ҳ.Аминов ва бошқалар мамлакатимизда миллий тасвирий санъатимизни янада ривожлантириш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, изланишлар, ижодкор-ўқитувчилар меҳнатини муносиб тақдирлаш, қўллаб-қувватлаш, "Устоз-шогирд мактаби" анъаналарини давом эттиришга муносиб эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Фидойи ўқитувчи ва мураббийлар давлатимизнинг доимий эътиборида, халқимиз ардоғида. Соҳа вакилларининг меҳнатини қадрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Кўргазмада мазкур ўқув даргоҳида фаолият олиб бораётган ўн бешдан зиёд ўқитувчиларнинг табиат манзаралари, юртимизнинг қадимий шаҳарлари, миллий анъана ва қадриятларимиз акс эттирилган ижодий ишлари намойиш этилмоқда.

– Ушбу кўргазмани томоша қилар эканман қалбимда устозларга нисбатан меҳрим янада жўш уради,– дейди Наргиза Азизова. – Устозларимиз биз ёшларга таълим-тарбия беришда, маданиятимиз ва қадриятларимизни қадрлашга, ота-боболаримиз томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур санъат намуналарини асрашга ўргатади. Улардан чексиз миннатдормиз.

Ҳа, мустақиллик шарофати боис мамлакатимизда ўқитувчилик касби қадрланиб, янада эъзоз топди. Педагогларга кўрсатилаётган эътибор ва рағбат уларни янада унумли меҳнат қилишга, изланишга ва интилишга ундайди.

(Ўз мухбиримиз)

ФАН ОЙЛИГИ — БИЛИМ БОЙЛИГИ

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ педагог кадрларга зарур шароитлар яратиш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, ўқитувчининг ижтимоий мавқеини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ёш авлоднинг соғлом ва баркамол улғайиши, замонавий таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллашини таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мантиқий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида мамлакатимизнинг ҳудудларида мактаблар қайта қурилди, замонавий жиҳозланди. Таълим тизимига қаратилаётган бундай юксак эътибор ўқитувчилардан ўз касбига янада масъулият билан ёндашиш, ўзини келажак олдида жавобгар ҳис қилишга ундамоқда. Мактабларда фан ойликлари ўтказилиб, болаларнинг билимлари янада мустаҳкамланмоқда. Хусусан, Халқ таълими вазирлиги томонидан сентябрь ойи география ва иқтисодий билим асослари фанлари ойлиги деб эълон қилинган.

Сергели туманидаги 300-ихтисослашган давлат умумтаълим мактабида ҳам бу борада қатор ишлар бажарилмоқда. Айни вақтда мактабда иқтисод фан ойлиги давом этмоқда.

— Нокамтарликка йўйманг-у, ўқиб-ўрганишдан сира тўхтамайман, — дейди иқтисод фани ўқитувчиси Зуҳра Исроилова. — Ахир ўқувчиларнинг билим олишга бўлган интилиши, салоҳияти йилдан йилга ўсиб бораётир. Соҳага замонавий технологиялар кириб келмоқда, ҳар бир дарсликнинг мультимедиали иловалари тайёрланмоқда. Мавзуни видео-аудио роликлар, слайдлар воситасида тушунтириш замон талабига айланмоқда. Интернетдан мунтазам дунёнинг илғор педагогик технологияларини кузатиб, уларнинг энг мақбулларини миллий таълим тизимига мослаштириб, машғулотларда фойдаланаман.

Дарҳақиқат, мактабда ушбу ойлик давомида мазкур фаннинг ўқитилиши, қўшимча тадбирлар ташкил этилишига алоҳида аҳамият қаратилди. Ўқувчиларнинг иқтисодиёт фанига бўлган қизиқишларини янада орттириш мақсадида фан ойлиги давомида олган назарий билим, кўникма ва малакаларини амалиётга татбиқ эта олишлари учун турли кўрик-танловлар ва беллашувлар ташкил этилди. Хусусан, 9-синф ўқувчилари орасида "Тадбиркорлик" мавзусига доир бизнес ғоя ва тақдимотлар бўйича викторина ўтказилди. Иқтисодий билим асослари фанида "Менинг бизнес режам" мавзуси асосида компьютер тақдимоти бўлиб ўтди. 8-синфлар орасида эса деворий газета, реферат, буклетлар тайёрлаш кўрик-танлови, макетлар ва ижодий ишлар ҳафталиги ўтказилди. Иқтисод фани билимдонлари беллашуви ва баҳс мунозаралар уюштиришди. Мактабда яна бошқотирма бурчаги, синф ўқувчилари тайёрлаган макетлар ва кўргазмали қуроллардан кўргазма ташкил этилди.

Шунингдек, қатор мавзулар бўйича "Намунали очиқ дарслар" барча синфларда ташкил этилди. Бундан ташқари, илғор педагогик технологиялардан фойдаланиб очиқ дарслар ўтказилди.

Бу каби амалий ишлар ўқувчиларнинг тегишли фанларни чуқур ўрганишларига замин яратади.

Ҳилола ЗОҲИДОВА

Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежида "Гиёҳвандлик – аср вабоси" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспортдаги ИИБ ҳамда Транспорт прокуратураси, коллеж ўқувчилари иштирок этишди.

ГИЁҲВАНДЛИК – АСР ВАБОСИ

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар гиёҳвандлик жиноятининг нима эканлиги, унинг салбий оқибатлари ҳақида сўз юритишди. Тадбирда асосий эътибор Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Қонуни мазмун-моҳиятини ўқувчиларга тушунтиришга қаратилди.

— Инсоннинг комил шахс бўлиб вояга етишига тўсқинлик қиладиган, айниқса, ёш авлоднинг ҳаётини издан чиқариб юборадиган, тузалиб бўлмас касалликларнинг асосий омилларидан бўлган, диний экстремизм ва терроризмнинг молиявий манбаларидан бўлган бу иллатнинг миллат ҳам, ҳудуд ҳам танламаслиги бугунги кунда дунё афкор оммасини ташвишга солмоқда, — дейди ИИВ Транспортдаги ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси инспектори, лейтенант Умид Тўйчиев. — Йиғилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши кураш соҳасида олиб борилаётган ишлар, қонунчилигимизда белгиланган жавобгарлик тўғрисида фикр билдириб, коллеж ўқувчиларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

Тадбирда гиёҳвандликнинг аянчли оқибатларидан ҳикоя қилувчи "Адашганлар қисмати" фильми намойиш этилди.

Ш. ЗОКИРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Kim oshdi savdo servis"
МЧЖ Тошкент шаҳар филиали
Нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 20 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 16 февралдаги ҳукми асосида берилган ЖСҲ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд департаменти томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1.1984 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10ВЕ429, двигатель 60199, кузов рақами самосвал, "хакки" рангли, носоз ҳолда, бўлган КамАз-5511 русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 30 283 200 сўм.

2.1981 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10ВЕ430, двигатель 60941, кузов рақами самосвал, "олов" рангли, носоз ҳолда, бўлган КамАз-5311 русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 23 584 500 сўм.

3.1991 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10ВА712, двигатель 812046, кузов рақами контейнеровоз, "пушти" рангли, носоз ҳолда, бўлган КамАз-5320 русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 29 367 000 сўм.

4.1984 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10 AZ 010, двигатель 696772, кузов рақами контейнеровоз, "сариқ" рангли, носоз ҳолда, бўлган КамАз-55102 русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 25 272 000 сўм.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор мавзей 3.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 19 октябрь куни соат 18.00да тўхтатилади.

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан суд департаменти бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банкининг Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz.

Телефонлар: 0371 276-42-62; +998977909595.

Гувоҳнома №5477

"Kim oshdi savdo servis"
МЧЖ Тошкент шаҳар филиали
Нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 10 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2015 йил 16 июлдаги ҳукми асосида берилган №19516/5-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1.2009 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами белгиси 01 155 ОАА, оқ рангли, носоз ҳолатдаги "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси 38 840 740 сўм.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 6-уй.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 9 ноябрь куни соат 18.00да тўхтатилади.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан суд департаменти бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банкининг Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz Телефонлар: 0371 276-42-62; +99897-790-95-95.

Гувоҳнома 5477

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани ТСРЎИ томонидан 11.10.2012 йилда №007647-04 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "Industry Several Service" МЧЖ (ИНН: 302 401 930) тугатилади.

Эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади. (94) 304-38-82.

Спорт янгиликлари





Футбол бўйича 19 ёшгача бўлган Австралия терма жамоасининг шу йил Баҳрайнда ўтказиладиган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатига борадиган таркиби маълум қилинди.

ЯКУНИЙ ТАРКИБ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Гуруҳдаги асосий рақибимиз ҳисобланувчи яшил қитъа вакиллари ўтган ҳафта Ҳанойда Жанубий Шарқий Осиё миллатлари футбол ассоциацияси ташкил этган, 19 ёшли футболчилар ўртасидаги чемпионатда ҳам иштирок этди ва бош совринни қўлга киритди. Шундан сўнг, жамоа мураббийи, Уфук Талай 23 кишилик якуний таркибни эълон қилди.

Таркибнинг асосини Австралия "А" лигасида иштирок этадиган чарм тўп усталари ташкил этади. Шунингдек, 6 нафар ҳорижда тўп сурадиган футболчилар ҳам Австралия ёшлар терма жамоасига таклиф олган.

Бироқ, жамоанинг муҳим ўйинчиси сифатида таъкидланаётган, ҳимоячи — Кай Роулс жароҳати сабаб Баҳрайндаги мусобақада қатнаша олмайди.

Туркиянинг Анапа шаҳрида кикбоксинг бўйича навбатдаги жаҳон кубоги баҳслари ўтказилди.

ЖАҲОН КУБОГИ БАҲСЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатидан келган 1000 нафардан ортиқ спортчилар иштирок этган мусобақада вакилларимиз биттадан олтин, кумуш ва иккита бронза медалларини қўлга киритишди.

Аввалига 69 килограммгача бўлган вазн тоифасида Нодир Худойбердиев олтин медални қўлга киритган бўлса, Нормуҳаммад Раҳмонбердиев кумуш ва Мерож Истамтошев, Шоҳжаҳон Маҳамадовлар ўз вазнларида бронза медали соҳибларига айланишди.

Ботир ХЎЖАЕВ

РАСМИЙ ТИМСОЛ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Баҳрайнда 13-30 октябрь кунлари футбол бўйича 19 ёшли чарм тўп усталари ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтишидан мухлисларнинг хабари бор.

Осиё футбол конфедерацияси томонидан ушбу нуфузли турнирнинг расмий тимсоли тақдим этилди.

Ушбу мусобақада Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси "Д" гуруҳида Хитой, Австралия, Тожикистон ёшлар терма жамоаларига қарши ғолиблик учун кураш олиб боради.

Эслатиб ўтамиз, қитъа биринчилигида ярим финалга чиққан 4 та терма жамоага 2017 йилда 20 ёшлилар ўртасида уюштириладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқи берилади.

Футбол мухлисларига маълумки, 6 октябрь куни "Бунёдкор" стадионида Ўзбекистон – Эрон миллий терма жамоалари жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқич "А" гуруҳидаги 3-тур баҳсида ўзаро беллашадилар.

МУҲИМ БАҲСГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН

Ушбу учрашувга тайёргарлик кўриш мақсадида айни кунларда Эрон терма жамоаси Арманистонда ўқув машғулот йиғини ўтказмоқда. Ҳозирда машғулотларда асосан Эрон чемпионатида тўп сурадиган футболчилар қатнашишмоқда. Терма жамоа легионерлари эса таркибга Тошкент сафари олдидан келиб қўшилишади. Эрон терма жамоаси аъзолари Тошкентга 4 октябрь куни етиб келишади

УЧ КУНЛИК СЕМИНАР ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон футзал ассоциацияси ташаббуси билан махсус семинар уюштирилди.

Уч кун давом этган семинарда ёш ҳакамлар ўз билим ва малакаларини оширишди. Назарий ва амалий машғулотлар "Ўзбекистон" спорт мажмуасида олиб борилди. Семинарда йўриқчи вазифасини Шуҳрат Пўлатов бажарди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК САРИ ҚАДАМ

Мамлакатимизда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан 2008 йилдан буён велоспорт тури бўйича анъанавий тарзда ўтказилаётган "Камолот-тур" веломарафони ёшларни спортга, хусусан, велоспортга қизиқишларини ошириш, уларни жисмонан соғлом, руҳан тетик қилиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Пойтахтимизда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати экологик тоза транспорт тарафдори" шиори остида "Камолот-тур" IX ёшлар веломарафонининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Ёшларни спортга оммавий равишда жалб қилиш, улар ўртасида ўзаро маданий, дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ёшлар веломарафонининг мамлакатимиз бўйлаб маҳаллий ва ҳудудий босқичлари ўтказилди.

— "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий фаолият йўналишларидан бири бу – ёшлар орасида жисмоний баркамолликни тарғиб қилиш, спортнинг оммавий ва миллий турларини, халқ ўйинларини ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати етакчи мутахассиси Азиза Раҳматуллаева. — Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, веломарафонда иштирок этувчи ёшлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Агар 2015 йилда ўтказилган веломарафоннинг маҳаллий босқичларида 2538 нафар ҳаваскор спортчи иштирок этган бўлса, жорий йилга келиб туман босқичларида 2622 нафар ҳаваскорлар қатнашди.

Бу йилги веломарафонда ёшлар 3 ёш, яъни – 9-14, 15-17, 18-30 тоифалари бўйича беллашди. Иштирокчилар 6 километр масофани босиб, маҳоратларини намоён этишди.

9-14 ёшли иштирокчилар ўртасидаги баҳсларда Бектемир туманидан Фазлиддин Рўзимов ғолиб деб топилди. Мирзо Улуғбек туманидан Даниил Востряков 15-17 ёшли велоспортчилар ўртасида, Жавоҳир Эгамбердиев эса 18-30 ёшли веломарафончилар ўртасидаги мусобақаларда биринчи ўринни эгаллади.

Веломарафонда ғолибликни қўлга киритган ёшлар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, фаол иштирокчиларга "Энг ёш пойгачи", "Фахрий велопойгачи", "Энг маҳоратли техник велопойгачи", "Энг иродали велопойгачи" ва "Энг маҳоратли велопойгачи қиз" номинациялари бўйича фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

АҲОЛИ МУҲОФАЗАСИ ЭЪТИБОРДА

Тошкент шаҳар ФВБ ходимлари рўй бериши эҳтимоли бўлган турли кўринишдаги офатларнинг олдини олиш ва аҳолини огоҳ этиш, уларни тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Юнусобод туманидаги шаҳар 7-сонли клиник шифохонасида Юнусобод тумани ФВДТ хизматлари ва шифохона раҳбарияти ва ишчи-хизматчилари ҳамда фуқаро муҳофазаси тузилмаларини жалб қилган ҳолда "Зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар содир бўлганда Юнусобод тумани ФВДТ хизматлари, шифохона раҳбарияти ва ишчи-ходимлари ҳамда фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатлари" мавзусида 5 босқичдан иборат ўқув амалий машқи ўтказилди.

Уни ўтказишдан асосий мақсад шифохонанинг штатдан ташқари тузилмаларини авария қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни олиб боришда ҳамда шифохона тиббий ходимлари ва беморларни эвакуация қилиш ишларини ташкил этиш бўйича амалий кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилди. Шунингдек, табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар рўй берганда ишчи-хизматчиларни ва шифохонани ҳимоя қилиш тадбирларини бажарилишини синовдан ўтказиш ва уларга аниқликлар киритиш, шифохонанинг "Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш отряди"ни беморларни қабул қилишда тиббий ёрдам самарадорлиги ва тезкорлигини ошириш, ҳар қандай вазиятларда қарор қабул қилишга ўргатиш ва бундан ташқари, ўқув амалий машқининг моддий-техник таъминоти, иштирокчилар учун махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари, махсус техника ва асбоб-ускуналарини яна бир бор синовдан ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, ўқув амалий машқи давомида ФВДТ хизматлари ва шаҳар 7-сонли клиник шифохонаси фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг саф кўриги, ФВДТ хизматларининг фавқулодда вазиятларда ҳамкорликда ҳаракатларини мувофиқлаштириш, мазкур тузилмаларининг ҳаракатларини баҳолаш, зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар содир бўлганда хизматларнинг ҳаракатларини бошқариш масалаларига эътибор қаратилди.

Азамат СУЮНОВ, журналист

МАЛИНА ВА СМОРОДИНА – КАМҚОНЛИКДА ДАВО

Ҳозир малина, смородина пишиб етилган айни вақт. Бекалар улардан мурабболар, жем, шарбату компотларни қишга тайёрлашади.

Айрим бекалар уларни янги узилган ҳолида музлаткичда сақлаш усулини ҳам қўллашмоқда. Чунки малина ва смородинанинг фойдали хусусиятлари кўп.

Қуйида уларнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Смородина таркибида аскорбин кислотасининг кўплиги билан фақат наъматакдан ортда қолади. Организмни суткалик С витамини билан таъминлаш учун 50 грамм смородина кифоя. Таркибидаги С витамини миқдори жиҳатидан бир ош қошиқ смородина битта лимонга тенг экан.

Смородина атеросклероз ва камқонликка қарши профилактик восита сифатида маълум. Унинг дамламалари узоқ чўзилган йўталдан халос этади, ёш болалар ва ўсмирлар организми учун айниқса фойдали.

Смородина юрак хуружини бошидан кечирган беморларга таъқиқланган.

Малина таркибида кўп миқдорда А витамини бор. Бу витамин юрак-томир, саратон касалликлари ва қариишнинг олдини олади.

РР витамини чарчоқ, уйқусизликка қарши ажойиб восита бўлиб, иштаҳани яхшилайди, терини силлиқлаб, рангини тиниқлаштириб, тозалайди.

Е витамини ёшартирувчи кремлар таркибидаги асосий компонент ҳисобланади.

В2 витамини юздаги ҳуснбузарларни, сочдаги қазғоқни йўқотади. Малина нурсиз, мўрт сочларни қалин ва жилвакор қилади.

Гулнигор САТТОРОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Auto Gold Grant" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали

Очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида 2016 йил 20 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такроран аукцион савдосига Суд Департаменти суд ижрочилари томонидан ЖИБ Тошкент вилоят Судининг 20.07.2015 йилдаги 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан қуйидаги енгил автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Mersedes-Benz ML 550 VA русумли, қора рангли, 2007 йилда и/ч, т/с, д/б 01 535 AAA бўлган б/б – 248 386 135 сўм. 2. Mersedes-Benz GL 550 AMG русумли, қора рангли, и/ч йили номаълум (2008й), т/с, д/б (Т ЕА 461 77) бўлган б/б – 395 871 482 сўм. 3. Hyundai Elanra русумли, кулрангли рангли, 2009 йилда и/ч, т/с, д/б 01 765 AAA бўлган б/б – 81 222 350 сўм. Тошкент ш, Сергели т, Олтин водий кўчасида жойлашган Тошкент "ОРМЗ" автомобилларни сақлаш тураргоҳида сақланмоқда.

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида 2016 йил 4 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд Департаментининг Тошкент шаҳар Сергели туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган: 1. 06.07.2015 йилдаги №10-1314/19809-сонли ижро ҳужжати Газ-31029 русумли, енгил, кулрангли, 1995 йилда и/ч, т/н, д/б 01931РСА бўлган б/б – 4 084 763 сўм. 2. 06.07.2015 йилдаги №10-1314/19809-сонли ижро ҳужжати ЗИЛ138А русумли, юк, ҳаворангли, 1966 йилда и/ч, т/н, д/б 01396РСА бўлган, б/б – 11 831 986 сўм. Юқорида келтирилган автотранспорт воситалари "SHAMOL" МЧЖнинг омборхонасида Тошкент ш, Сергели т, Безакчилик 3А уйда сақланмоқда. Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аризаларни қабул қилиш 2016 йил 20 октябрда ўтказиладиган аукцион савдоси учун 2016 йил 18 октябрь куни, 2016 йил 4 ноябрда ўтказиладиган аукцион савдоси учун 2016 йил 2 ноябрь куни, соат 18:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача (соат 13.00-14.00гача тушлик) аризаларни қабул қилиш манзилида ёки www.agg.uz веб-сайт орқали қабул қилинади. Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузиладиган "закалат тўғрисидаги келишув"га асосан закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжат нусхаси, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Auto Gold Grant" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли банк" Миробод филиалидаги 2020 8000 8004 2284 9004 ҳисоб рақамига МФО: 01101, ИНН: 303136943 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиш ва аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96

Гувоҳнома №05791

UZTELECOM

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Ҳозирги кунда телефон кабелларининг ўғирланиши оммавий тус олиб, катта муаммога айланмоқда. Кабель линияларини қасддан шикастлаш натижасида нафақат "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали абонентлари – жисмоний шахслар жабрланмоқда, айни пайтда бу ҳол ҳокимият ва бошқарув органлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, шошилинч хизмат, шаҳар ҳаётини таъминлаш корхоналарнинг ҳам алоқа тизимларининг фаолияти бузилишига олиб келмоқда. Кабелни ўғирлаш телефон тармоғининг узилишига, Интернет тармоғи, маълумотнома-сервис ва ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятининг чекланишига сабаб бўлмоқда.

"Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали иншоотларни қўриқлаш масалаларини ҳал қилиш, ўз мижозлари учун алоқани шикастланишлар оқибатларини камайтириш ҳамда тиклаш бўйича бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда.

Айни пайтда, кабеллар ўғирланишининг олдини олишда, шунингдек, ўғриларни қўлга олиш ва жазолашда аҳоли томонидан бундай хатти-ҳаракатлар ҳақида ўз вақтида хабар берилиши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Кабелларни қасддан шикастлаш ҳолатларининг олдини олиш, шаҳар алоқа иншоотларини ҳимоялаш мақсадида "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали фуқороларни огоҳ бўлишга даъват этади. Шаҳар линияли-кабель иншоотларидан рухсат берилмаган ҳолда фойдаланиш, кабеллар, канализация қопқоқларини ўғирлаш ҳоллари аниқланганда **102** ёки **233-69-95** телефонлари орқали хабар беришингизни сўраймиз.

Хизматлар лицензияланган

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

23-25 даража иссиқ бўлади.

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **5 октябрда** Тошкент шаҳрида **5 октябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9249

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1055

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4775 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.50

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ